
ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИНИНГ НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК КАРВОНИ ФАРҒОНА ТУМАНИДА

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқаюм Тўхтакулов бошчилигидаги вилоят тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган 36 нафар етакчи мутахассислардан иборат гурӯҳ Фарғона тумани аҳолиси ўртасида тиббий кўрик ўтказдилар.

Водил шаҳарчасида жойлашган марказий шифохонада ташкил этилган ушбу тадбир давомида 500 нафардан ортиқ дардига шифо излаётган фуқаролар кўриқдан ўтказилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи қабулида 20 нафардан ортиқ фуқаролар мурожаатлари ҳал этилди.

Жумладан, 2 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга “Зилол” сиҳатгоҳи ва Шоҳимардон пульмонология шифохонасига даволаниш учун йўлланма берилган бўлса, 2 нафар фуқарога ногиронлик гурӯҳи белгиланиши қабул чоғида ҳал этилди. 10 нафардан зиёд фуқароларга эса вилоятда жойлашган шифохоналарда даволаниш учун бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган 50 нафардан ортиқ фуқароларга бепул дори воситалари тарқатилди.

Туман марказида жойлашган Стоматология бўлимида ҳам етакчи мутахассислар иштироқида тиббий кўриклар ташкил этилиб, юқори стоматологик ва ортопедик муолажалар ўтказилди ва 100 нафардан ортиқ фуқароларга стоматологик жамланмалар тарқатилди.

Туманнинг чекка ҳудуди бўлмиш Ямбароқ ва Ёйилма МФЙларда ташкил этилган Маҳалла тиббий пунктларининг фойдаланишга топширилиши аҳолининг хурсандчилигига сабаб бўлди.

Ушбу маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли 5-10 км йўл босмасдан шу ернинг ўзида тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-22 19:30:08